



## БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев бюджет маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бугун дунёдаги мураккаб жараёнлар иқтисодийётга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Маблағ топиш, жамғариш, кўпайтириш тобора қийин бўлиб бормоқда. Бундай шароитда бор манбалардан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ва аниқлик янада муҳим.

Шу йил 16 январь куни иқтисодиётдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йўналишида давлатимиз раҳбари бюджет харажатларининг самарадорлиги масаласига алоҳида тўхталиб, молиявий назоратни кучайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Маълумки, бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади. Хозирги тизимда фақат бюджет ва мақсадли жамғармалар харажати ташқи аудит билан қамраб олинган. Бу жами харажатларнинг 86 фоизини ташкил этади.

Шу боис, Ҳисоб палатаси томонидан консолидациялашган бюджет ижросини ташқи аудитдан ўтказиш тақдир этилмоқда. Бу бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда ташқи қарз ҳисобидан харажатларни ҳам қамраб олиш имконини беради.

Ҳисоб палатаси фаолиятида давлат дастурларидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришишда юзга

келиши мумкин бўлган хавфларни баҳолашга қаратилган стратегик аудит ҳамда давлат ташкилотларидаги дастурий таъминотлар самарадорлиги бўйича ахборот технологиялари аудити жорий этилиши мўлжалланмоқда.

Юртимизда 30 мингга яқин бюджет ташкилоти ва давлат корхоналари бўлиб, уларни жойига чиқиб ўрганишга кўп вақт ва маблағ кетади. Шунинг учун Ҳисоб палатасида “Масофавий назорат маркази” ишга туширилди. Энди илгўр хорижий тажриба асосида 36 та риск-тахлил мезонлари ва индикаторларини тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Сўнгги йилларда ҳудудлар ривожига катта маблағлар йўналтирилди. Лекин маҳаллий кенгашлар бюджет муҳокамасида асосан вилоят ёки туман бюджети билан чекланипти. Бу — ҳар бир ҳудудга барча манбалардан берилаётган маблағларнинг 65-70 фоизи уларнинг назоратидан четда қолипти, дегани.

Шу боис, Ҳисоб палатаси бюджет жараёнини нафақат Олий Мажлис палаталарида, балки маҳаллий кенгашларда ҳам муҳокама қилиб бориши кераклиги қайд этилди.

ЎЗА

## BYD БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятидаги “BYD Uzbekistan Factory” заводида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида ҳисобот билан танишди.

Мазкур корхона шу йил 27 июнь куни давлатимиз раҳбари иштирокида ишга туширилган эди. У BYD энгил автомобилларини ишлаб чиқарувчи Хитойдан ташқаридаги ilk завод бўлди.

Бугунги кунда BYD янги энергия манбаларида ҳаракатланувчи автомобиллар — электромобиллар ва гибридларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича дунёда етакчи компания ҳисобланади. У энг яхши технологик база, инновацион ечимлар ва сифат назорати тизимларига эга.

Ўзбекистонга бундай йирик компаниянинг кириб келиши, аввало, мамлакатдаги жозибадор инвестицион муҳит ва сиёсат, шунингдек, автомобилсозлик соҳасида муҳандис кадрлар, ишлаб чиқариш базаси, хомашё ва логистика салоҳияти борлиги билан боғлиқ.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси мазкур инвестиция лойиҳасининг дастлабки натижалари ва уни кенгайтиришга қаратилган режалар тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, тўлиқ ишлаб чиқариш жараёнини ишга тушириш доирасида Ўзбекистон корхоналари томонидан пластик қисмлар, ойналар, бамперлар, дисклар ва бошқа кўплаб компонентлар ишлаб чиқарилиши бўйича BYD сифат тизимига мос келиши учун таҳлил ўтказилди.

Аҳолининг энгил автотранспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг турларини кенгайтириш мақсадида хитойлик ҳамкорлар билан В, С ва бюджет автомобиллари сегментидаги автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилди. Уларнинг

биринчи намуналари хитойлик ҳамкорлар томонидан замонавий стандартлаштириш тизими синовларини ўтказиш учун лабораторияларга топширилди.

Шунингдек, замонавий технология ва стандартларни нафақат ишлаб чиқариш, балки савдо, сервис ва кафолат йўналишларида ҳам татбиқ этиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу сифатсиз маҳсулот чиқарилишининг олдини олади ҳамда автотранспортга юқори сифатли сервис ва кафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

BYD билан ҳамкорлик маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ҳам ўз ичига олади. Жиззахдаги “BYD Uzbekistan Factory” компаниясига малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Жиззах политехника институти ва Тошкентдаги Турин политехника университети билан биргаликда юқори малакали мутахассисларни ўқитиш бўйича муҳандислик ўқув марказини ташкил қилиш режалаштирилган.

Тақдиротда ишлаб чиқариш ҳажмининг белгиланган кўрсаткичларга етказиш ҳамда маҳаллийлаштириш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари “BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхонаси қувватларида ишлаб чиқаришни тезлаштириш, ҳамкорликнинг кейинги босқичлари бўйича стратегия тайёрлаш ва келгусида ишлаб чиқариш қувватини йиллик 500 минг донага етказиш ҳамда экспорт бозорларига йўналтириш бўйича аниқ вазифаларни қўйди.

ЎЗА

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

# САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Яқинда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига атоқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Ботирхон Валихўжаевнинг “Танланган асарлар” китоби тақдироти бўлиб ўтди.

Раҳматли Ботирхон домла узоқ йиллар мазкур таълим даргоҳида талабаларга мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти, адабиётшунослик фанидан сабоқ берган, нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакатимизда ўзининг кўплаб салмоқли илмий тадқиқотлари билан кенг танилган мўътабар ва закий инсон эди.

Алломанинг уч жилддан иборат “Танланган асарлар”ининг биринчи ва иккинчи китобларидан “Мумтоз сиймолар” туркумида яратилган Мавлоно Лутфий, Хожа Ахрор валий, Низомиддин Алишер Навоий, Ҳусайний — Султон Ҳусайн, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг шоир ва мутафаккирлар ҳақидаги ҳамда Самарқанд мадрасалари тарихига оид рисоалар, учинчи жилддан эса “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” ва “Ўзбек адабиётшунослиги тарихи” номли фундаментал тадқиқотлари ўрин олган.

Муаллифнинг олтинчи йиллик илмий-ижодий фаолияти маҳсули бўлган ушбу



сайланма Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ижодий ходимлари, таниқли мутахассис олимлар томонидан тайёрланиб, юқори полиграфик сифат билан нашр этилди.

Самарқанд давлат университетига олимнинг кўплаб сафдошлари, ижодкор зиёлилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирокида бўлиб ўтган тақдирот маросимида Ботирхон Валихўжаевнинг турмуш ўртоғи Хадича ая Вафоева ҳам сўзга чиқиб, Ёзувчилар уюшмаси ва университет раҳбариятига, домланинг ҳамкасблари ва шогирдларига ташаккур изҳор этди. Мана шундай хайрли ишлар бошида шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи тургани, илм ва ижод аҳлига юксак ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади.

Қўйида бутун ҳаётини илм-фан ва таълим ривожига, ёш авлод тарбиясига бағишлаган етуқ олимнинг умр йўлдоши Хадича ая Вафоеванинг шу муносабат билан Президентимиз номига йўллаган мактубини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ассалому алайкум,  
муҳтарам Шавкат МИРОМОНОВИЧ!

Мен — Сиз ҳар доим ҳурмат қилиб, эъзозлаб келган Ботирхон домлангиз (академик Ботирхон Валихўжаев)нинг аёли Хадича опангиз бўламан. Яқинда оиламиз ҳаётида рўй берган гоят қувончли бир воқеа Сизга ушбу мактубни йўллаганимга давлат этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан домлангиз уч жилддан иборат “Танланган асарлар” и нашр этилди. Кўп ўтмай, Самарқанд давлат университетига мазкур китоблар тақдироти бўлиб ўтди.

Ушбу хайрли ишларга катта ҳисса қўшган домланинг шогирдлари, Ёзувчилар уюшмаси, ноширлар ва университетимиз раҳбариятидан гоят миннатдор эканлимин билдирган ҳолда, айтмоқчиманки, мана шундай хайрли ишлар бошида, албатта, Сиз турибсиз. Сизнинг илм ва ижод аҳлига кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз юртимизда мана шундай савобли тадбирларнинг амалга ошишига замин яратмоқда.

Сизнинг вилоятимиз раҳбари вазифасида юртдан самарали фаолиятингизни, айниқса, илм ва ижод аҳлига ҳар доим хайрхоҳ ва жонқуяр бўлганингизни, жумладан, вақтингиз ҳар қанча тизиб бўлмасин, Ботирхон домлангиздан дам-бадам хабар олиб турганингизни ҳалигача миннатдорлик билан эслайман. Кўп йиллар таълим-тарбия соҳасида ишлаган бир инсон сифатида Сизнинг бу ишларингиз аҳамиятини эҳдода яхши тушунаман ва фарзандларим, неварачевараларимга бу ҳақда фахрлиниб сўзлаб ўтираман.

Қадрли Шавкат Миромонович!

Сиз бугун Ўзбекистон раҳбарисиз, бутун юрт масъулияти зиммангизда. Меҳрибон Эгам Сизга ана шундай буюк шараф ва масъулиятни муносиб кўрган экан, ҳар доим Ўзи қўласин. Эл-юрт ишончи, кўпнинг дуоси Сизга мудоми мададкор бўлсин.

Савобли ва шарафли хизматларингиз йўлида Яратандан Сизга туганмас куч-қувват, мустақкам соғлиқ ва омад тилайман. Ватанимиз, халқимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хадича ВАФОЕВА,  
меҳнат фахрийси

Самарқанд шаҳри, 2024 йил 9 июль

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

“Ўзбекистон — ижтимоий давлат” таъйини асосида мамлакатимизда аҳолини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада шароитларни яхшилаш ва хизматларни кенгайтириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда ногиронлиги бор шахсларга қулайликлар яратиш муҳим вазифалардан. Шу мақсадда ногиронлиқни белгилашда рақамлашган тизимга ўтиш таклиф этилмоқда.

Унга қўра, бу дастлаб Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида, 2025 йил 1 сентябрга қадар барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади. Эксперт комиссияларига тиббий хужжатлар оилавий шифокорлар томонидан электрон юборилади. Баҳолаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мослаштирилган мезонлари асосида “Инсон” марказлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Ногиронлиқни белгилаш билан бир вақтда унинг реабилитация дастури ҳамда протезга муҳтожлиги бўйича маълумотлар шакллантирилади.

Энди эксперт комиссиялари томонидан касбга, таълимга, спортга тавсия бериш, меҳнатга лаёқатсизликни белгилаш тартиби бекор қилинади. Бундай шахслар иш, спорт ва таълимга индивидуал ёндашув асосида йўналтирилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хавфсиз ва тўсқиларсиз ҳаракатланиши учун шароитларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилмоқда. Шу боис, қуриладиган ва таъмирландирилган бинолар бунга мослашганлиги бўйича мажбурий экспертизадан ўтказилади. “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” жамғармасининг қамиди 10 фоиз маблағи ҳар йили чорраҳаларни ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш бўйича қурилиш ва жиҳозлашга йўналтирилади. Тўсқиларсиз муҳит яратилган объектларнинг электрон интерактив харитаси яратилади.

Жамоат транспорти бўйича тендерларда фақатгина ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган автобуслар иштирок этиши мумкин бўлади. Шаҳар жамоат транспортда 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган

шахсларга бепул хизмат кўрсатилади. Ногиронлиги бўлган шахсларни маданий тадбирлар, кўнгилочар томоша ва маросимларга жалб қилиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

Тақдиротдаги яна бир таклиф Жаҳон банки иштирокидаги “Инсон” лойиҳаси ҳақида бўлди. Бу лойиҳа аҳолининг заиф қатламларини жамиятга интеграция қилишга қаратилган бўлиб, унинг доирасида 55 та кўпфункционали ҳудудий хизматлар маркази ташкил этилади ва 20 турдаги ижтимоий хизмат йўлга қўйилади. Тошкент, Фарғона ва Самарқандда 4 та намунали инклюзив касб-ҳунар таълими марказлари ташкил этилади.

Беш минг нафар ҳодимнинг ижтимоий иш бўйича малакаси оширилади. Мослашувчан ижтимоий хизмат ва ёрдам бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилади.

Соҳадаги яна бир янгилик “Ижтимоий карта” тизимининг жорий этилиши бўлади. Бу орқали ижтимоий тўловлар ва субсидиялар, ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни тайинлаш, тақдим этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилади. “Ижтимоий карта” бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов воситаси, ҳам эҳтиёжманд тоифага мансублик тасдиғи ҳисобланади.

Бу тартиб дастлаб Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида, кейинги йилдан бошқа ҳудудларда жорий этилади. Натижада 72 турдаги ижтимоий хизматлар, 76 турдаги ёрдамлар ва 200 га яқин имтиёзлар ягона электрон тизимга умумлаштирилади. Қоғоз шаклидаги хужжатлар бекор қилиниб, вақт ва маблағ тежалди. Соҳа тўлиқ рақамлаштирилиши орқали ҳар бир оиланинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ақс эттириладиган “Ижтимоий-рақамли паспорти” жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари бу борада тегишли хужжатларни ишлаб чиқиб, самарали жорий этиш, эҳтиёжманд инсонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## Тараққиёт одимлари

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ РОЛИ КУЧАЙМОҚДА

Гувоҳмизки, мамлакатимизда кейинги йилларда инсон кадри улуғланган янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан кечаётган янгилашни жараёнларини битта сўз билан ифодалаш жоиз бўлса, мазмун-моҳиятида “халқни рози қилиш, оғирини энгил қилиш” эзгу ғояси мужассам.

Ҳаётбахш ислохотлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятичилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, маҳаллий кенгашларни халқнинг ҳақиқий “ово-зига” айлантириш борасида ҳам кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан халқ депутатлари Кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ, экология ва соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Давоми 3-бетда

## Бугуннинг гапи



Шу кунларда мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли бўйича ўрнатилган ижтимоий норма — ойлик белгиланган 200 киловаттлик лимит масаласи жиддий муҳокама қилинапти. Интернет тармоқларидан тортиб, ўзаро суҳбатларда ҳам шу мавзуда гапириляпти. Ҳатто юртдошларимиз энергия истеъмоли учун қўйилган базавий нормани бекор қилишни сўраб, ижтимоий тармоқларда флешмоб ўтказмоқда. Одамлар тегишли мутасаддиларга мурожаат қилиб, 200 киловаттлик лимитни бекор қилишни сўраяпти.

Флешмобда қатнашганлар сони кун давомида юз мингдан ошгани кузатилди. Ижтимоий тармоқларда кетаётган баҳс-мунозараларда одамлар икки гуруҳга бўлинган. Кимдир ижтимоий норма аҳолини тежамкорликка ундаётгани ҳақида гапирса, бошқалар электр энергиясига эҳтиёж 200 киловаттдан юқори экани, айниқса, кўп оилали хонадонлар учун жуда камлиги, куз-қиш мавсумида бу эҳтиёж янада ошишини айтиб, эътироз билдирапти.

Давоми 4-бетда

# ИШОНЧ ИНҚИРОЗИ

## ёхуд ажралишлар нега кўпаймоқда?

### Долзарб мавзу

Ишонч — тинчлик-хотиржамлик, ҳамжихатликни таъминловчи муҳим ришта ўларок халқимизнинг турмуш тарзига чуқур сингиб, миллий қадрият даражасига кўтарилган. Зотан бу туйғу муайян жамоа, жамият ёки давлат, умуман, инсониятни эзгу мақсад атрофида бирлаштириш, шу орқали ривожланиш, юксак тараққиётга эришишнинг асосий омили бўлиб келган.

Давоми 5-бетда



Хар қандай ижтимоий-ҳуқуқий давлатда аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Уй-жой, бу — инсон ҳаётининг узвий ва ажралмас қисми, жамиятда эркин ҳаёт кечиришининг гарови.

# ШАҲАРЛАР ЭНДИ “БЎЙИГА ЎСАДИ”

## Қурилиш кўлами кенгаяётгани ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминламоқда

Қаҳҳор ЖУМАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат  
институтини етакчи илмий  
ходими

Кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш ва аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда тўрт йил олдин ипотека тизмининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби жорий этилди. Унга мувофиқ, ўтган давр мобайнида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 100 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги хонадонли бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилга бошлангич бадал ва фойз тўлови учун 2,4 триллион сўмлик субсидиялар берилди.

Биргина 2023 йилда 85 мингта хонадон қурилиб, уларни сотиб олиш учун аҳолига 17 триллион сўмлик ипотека кредити ажратилди. Аҳоли сонининг ўсишини инобатга олиб, 2024 йилда 100 мингта хонадондан иборат уй-жой куриш ва ипотекани молиялаштириш мақсадида 22,5 триллион сўм йўналтириш режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, янги тахрирдаги Конституцияда айни йўналиш бўйича мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бу борадаги ислохотларни янада жадалаштирди. Хусусан, янгилаган Бош қонунимизнинг 47-моддаси уй-жой масалаларига бағишланган бўлиб, унда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган

мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибга олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши борасидаги ҳуқуқий нормалар белгиланди.

Шунингдек, Конституциянинг мазкур моддасида уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши ҳамда аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари уй-жой билан таъминланиши қонун билан белгиланиши каби муҳим қоидалар назарда тутилди.

Ўз навбатида, ушбу конституциявий нормалар давлатнинг мазкур соҳадаги ижтимоий вазифа ва функцияларини янада кучайтириб, уй-жой қурилиши соҳасидаги ислохотларнинг аҳамияти ва моҳиятини янада оширди, бошқа томондан, фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш давлатнинг доимий назоратида, бу борада ушбу тоифадаги оилаларга доимий равишда янги имкониятлар яратиб келинмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 12 март куни уй-жойлар қурилиши соҳасидаги масалаларга бағишлаб ўтказилган йигилишда “маҳалла еттилиги” тавсиси асосида камбағалликдан чиқариш дастурига кирган ва турар жойи ночор аҳволдаги оилаларга ўз ҳовлисида уй қуриш ва таъмирлаш мақсадида 120 миллион сўмгача ипотека кредити ажратиш йўлга қўйилиши, бунда кредитнинг 15 фойзи ва дастлабки беш йилда фойз ставкасининг 6 фойзгача қисми давлат бюджетидан қоплаб берилиши вазифаси белгиланди.

Албатта, ушбу ислохотлар юқоридаги конституциявий норманинг амалдаги ифодасини намоён этиш билан бирга, кам таъминланган оилаларнинг давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Ўз навбатида, ушбу



яратилаётган шароитлар эҳтиёжманд аҳоли қатламига ўзларининг шахсий уйларига эга бўлишда ҳам молиявий, ҳам маънавий жиҳатдан яхшигина кўмак бўлмоқда.

Кейинги йилларда ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ҳам тақомиллаштирилди. Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 14 ноябрда “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни тақомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

фармонлари қабул қилиниб, уларда қурилиш соҳасини тақомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган асосий чора-тадбир ва вазифалар белгиланб берилди.

2021 йилда Шаҳарсозлик кодексини янги тахрирда қабул қилиниб, замонавий ўзгаришларни ўзига акс эттирган янги нормалар ва қоидалар билан тўлдирилди. Шунингдек, 2022 йил 20 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, қурилиш соҳасида бир қатор маъмурий регламентлар тасдиқланди ҳамда ушбу соҳада давлат хизматлари кўрсатишнинг янги тартиби ва тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиши соҳасида очилкич ва шаффофлиқни таъминлаш борасида ҳам зарурий ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йилда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ишга туширилиб, ушбу тизим орқали объектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш, объектлар қурилишида иштирок этаётган барча асосий ва ёрдамчи пудратчилар ҳақида маълумотлар билан танишиш, объектлар қурилишини молиялаштиришда пудратчи — буюртмачи ўртасида шартнома имзолангани ва аванс маблағлари амалга оширилганини текшириш ҳамда қурилиш режалаштирилган объектларнинг манзилли дастурини шакллантириш ва уларни назорат қилиб бориш имконияти яратилди.

Таъкидлаш лозимки, қурилиш соҳасида жорий этилган ушбу ахборот тизими қурилиш объектларини назорат қилишда янги имкониятларни вужудга келтириш билан бирга, қурилиш ташкилотларини мавжуд қурилиш нормаларига риоя қилиш бўйича ҳушёрликка ҳақирмоқда ҳамда оддий фуқароларга пудратчи ташкилотларнинг фаолияти ҳақида зарур ахборотлар билан танишиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, 2020 йилда “Ўзбекистон Республикасини давлат шахарсозлик кадастри” географик ахборот тизими жорий этилиб, унинг асосий вазифаси сифатида қуйдагилар белгиланди:

- давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жисмоний шахсларни шахарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- шахарсозлик фаолиятини амалга оширишда идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш;
- шахарсозлик фаолияти тўғрисидаги фазовий маълумотларни марказлаштирилган тарзда сақлаш ва бошқариш.

Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ устувор вазифалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, стратегиянинг 60-мақсади бевосита аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига бағишланган бўлиб, унда қуйдагилар назарда тутилган:

- 2030 йилга қадар Ўзбекистон ҳудудларида 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш;
- “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиб, қўшимча 200 мингта оилга мўлжалланган уйлارни барпо этиш;
- республикада камида 140 минг оилга мўлжалланган ижтимоий уйлارни барпо этиш.

Шунингдек, стратегия доирасида кўп қаватли уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улۇш киритиш асосида қуришни тартибга солувчи қонуний асосларни шакллантириш, ривожланган давлатларнинг тажрибаси асосида бино-иншоотларнинг қурилиш хавфсизлиги меъёrlари бўйича янги стандартларни жорий қилиш, аҳоли эиҳ бўлган ҳудудларда “бўйига ўстириш” тамойили асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш ҳамда қурилишда ўрта бугун мутахасссларини тайёрлаш тизimini қайта кўриб чиқиб, йилига 20 минг нафар профессионал уста-мутахассс тайёрлаш вазифалари назарда тутилган.

Ўз навбатида, ушбу вазифаларнинг амалиётта самарали татбиқ этилиши мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини янада ошириш ҳамда қурилиш соҳаси ривожини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, қурилиш соҳасидаги улкан бунёдкорлик ишлари, сезиларли ўсишга қарамасдан, ушбу соҳада айрим муаммолар сақланиб қолаётганини кўриш мумкин. Хусусан, бязи ҳудудларда бош режанинг йўқлиги, айрим ҳолларда қурилиш нормаларига риоя этилмаётгани ва бунинг натижасида экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатилаётгани, қурилишда замонавий ва инновацион технологиялардан етарли даражада фойдаланилмаётгани, уй-жойлар нархининг нисбатан қимматлиги, базини ҳолларда аҳолининг қурилиш ташкилотларига алданиб қолаётгани ҳамда ушбу соҳадаги кадрлар салоҳияти етарли даражада эмаслиги шулар жумласидан.

Қурилиш соҳасида мавжуд ушбу муаммолар мазкур йўналишдаги ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттиришни ҳамда тегишли чора-тадбирлар қўришни талаб этади. Хусусан, масул идораларнинг қурилиш ташкилотлари фаолияти устидан назоратини янада кучайтириш, пудратчи ташкилотлар шартномавий мажбуриятларини ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий масъулиятини ошириш ҳамда фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда уларнинг ижтимоий фаоллигига, шунингдек, қурилиш соҳасида малакали мутахассслар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, уй-жой қурилиши борасида амалга оширилаётган ислохотлар ушбу соҳа ривожланишида ўзининг ижобий самарасига эга бўлиб, аҳолининг кундалик ҳаёти учун муҳим восита бўлган уй-жой билан таъминланишида муайян имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

## Қарор ва ижро

# ҚАШҚАДАРЁДА САЙЁҲЛИК: ИМТИЁЗ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИ ОРТИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни кузатиш имконияти мавжуд бўлган мафтункор Қашқадарёни кўриш истагида бўлган сайёҳлар оқими кўпайиб бормоқда. Муболага эмас, маълум бир вақтда қайсидир ҳудудда қиш, яна бирида баҳор, бирида ёз, бир томонида куз фаслининг гувоҳи бўлган киши табиатнинг мўъжизакорлигига тасанно айтмай иложи йўқ. Албатта, бу жараёнга гувоҳ бўлиш учун бир бора воҳа томон йўлга отланиш, она замин сирү синоатларидан воқиф бўлмоқ керак.

Сир эмас, авваллари вилоят туризми ҳақида гап кетганда, бу борада анчагина муаммолар мавжуд бўлиб, санокли манзилни айтмаганда, бирор нарса дейиш ёки жўяли жойини кўрсатиш мушкул эди. Қувонарлиси, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, буни ўтган икки-уч йилда вилоятга сайёҳ сифатида ташриф буюрувчилар сони ортганидан ҳам англаш мумкин.

Президентимизнинг 2023 йил 28 ноябрдаги “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши воҳада туризм йўналишини янги босқич сари етаклади. Хусусан, мазкур қарор билан белгилаб берилган 240 гектарлик “Шахрисабз” туристик маркази ҳудудида туризм ва ёндош йўналишлардаги инфратузилма объектлари куриш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилди.

Айни кунларда умумий 1050 ўринга мўлжалланган 2 та 4 юлдузли меҳмонхона, хостел ҳамда савдо-қўнғиғлолар марказини куриш ишлари жадал бормоқда. Шу билан бирга, умумий узунлиги 1800 метрли дор йўли, автоурагтоҳ ва ресторан барпо этилмоқда. Маданий ҳордик чиқариш боғлари яратилпти. Замонавий типдаги хизмат турлари жорий қилинаётир.

Тумандаги “Мираки”, “Амир Темури” ва “Улоч” МФЙларда 31 та лотни ўзаро боғловчи, педёллар ва велосипедчилар учун 10 километрлик саломатлик йўлаги курилиш ишлари бошлаб юборилди. Биргина шу йўлакнинг ўзи 200 дан зиёд хизмат кўрсатиш нуқталари ва 400 га яқин иш ўрни очилишига асос бўлмоқда.



Бундан ташқари, жорий йил бошидан “Хисорак” сув омбори ҳудудида 2 та 20 ўринли катерда саёҳат хизмати ташкил этилиб, янги туризм маршрути очилди. Бунда вилоятнинг бошқа ҳудудида тақороланмайдиган сув устида саёҳат қилиш шароити мавжуд. Лойиҳанинг кейинги бандига кўра, гидроциклларда саёҳат қилиш ва рафтинг спорт тури билан шугулланиш имкониятини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Ўтган йилнинг 4-6 октябрь кунлари Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган “Казань ЭКСПО” тадбирлари доирасида вилоят ҳокими бошчилигидаги делегация Шахрисабз туманида умуммавсумий дам олиш масканини ташкил этиш лойиҳаси бўйича муҳим келишувларга эришди.

Натижада хорижий ҳамкорлар билан бирга ҳудуднинг мастер-режаси ишлаб чиқилди. Бу жараёнда Австриянинг “Допел Майер” компанияси ҳамда Испания, Польша, Словакия ва россиялик мутахассслар бир неча маротаба жойига чиққан ҳолда ҳудуднинг имкониятларини ўрганди. Иккинчи, об-ҳаво шароитлари, қулайликлари ҳақида маълумотлар олди.

Мастер-режага асосан, умумий 2,9 минг гектар тоғли ҳудудда 200 километрлик тоғ чанги трассалари, 13,9 километрлик ҳар хил турдаги дор йўллари, 160 минг 400 метр квадрат майдонда бино-иншоотлар куриш орқали бир вақтнинг ўзида 13 минг 884 кишини сиғдирга оладиган ётоқ жойлар яратилади. Шу комплексининг ўзи бир йилда 1 миллион турист қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бу жойда кўплаб иш ўрни ҳам яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 июлдаги “Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса туризм йўналишида меҳнат қилаётган тадбиркорлар учун яна бир қулайлик сари кенг йўл очди.

— Ушбу қарорга асосан, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва урбанизация жараёналарини жадаллаштириш, жумладан, туманлар ва шаҳарларнинг драйвер йўналишларини амалга ошириш учун мастер-режаларни ишлаб чиқиш амалиётини, бўш ер участкаларида юқори даромад келтирадиган фаолият турларини, шунингдек, инфратузилма лойиҳаларининг мастер-режаларига мувофиқ амалга оширишни ташкил қилиш мақсад қилинган, — дейди Қашқадарё вилоят туризм бошқармаси бўлим бошлиғи Шахзода Хидирова. — Шунингдек, туризм соҳасининг имкониятларини кенгайтириш юзасидан ҳам вазифалар белгилаб берилди. Яъни аҳоли ва сайёҳлар учун барча қулайликларга эга туризм масканларини ташкил этишга қаратилган мастер-режалар ишлаб чиқилмайдиган туман ва шаҳарлар рўйхати аниқ кўрсатиб ўтилди.

Эндиликда мазкур ҳужжатга асосан, бошқа манзилларда бўлгани каби Қашаши туманида тижорат банклари кўмағида ишлаб чиқилган мастер-режага кўра, 41 гектар майдонда туризм объектларига иктисослашган ер-участкалари аукцион савдоларига чиқарилади.

Энг муҳими эса, қарорда вилоятимиз туризм салоҳиятини янада оширишга хизмат қиладиган қўшимча имтиёзлар киритиб ўтилгани бўлди. Мазкур қарорнинг 14-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 6-банди қуйдаги мазмундаги тўрттинчи-олтинчи хатбош билан тўлдирилиши белгиланди. Бунда, 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар электрон аукцион савдоларида реализация қилинган ер участкалари бўйича дастлабки тўлов суммаси 15 фойздан кўп бўлган ҳолларда қолган

суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фойзалар ҳисоблаш тартиби амал қилмаслиги белгилаб қўйилди. Ҳамда аукцион ғолиби томонидан дастлабки тўлов суммасининг камида 15 фойзи тўланганда, унга ер участкасига бўлган ижара ва мулк ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилди. Бу янгилик бугун воҳамизда шу тизимда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун жуда маъқул бўлди. Қўшимча имтиёз, албатта, тармоқни янада кенгайтиришга асос бўлади.

Вилоят туризм бошқармаси мутасаддиларининг маълумотларига кўра, айни пайтда вилоятнинг кўпгина қисмида туризм объектлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари тадбиркорлар томонидан бунёд этилмоқда. Шу билан бирга, яна қўшимча ер олиб, иш бошлаш ҳаракатида бўлган ишибилармонлар сафи кўп. Айниқса, Кинтоб, Шахрисабз, Қашаши туманларида бу борада талаб анча юқори.

— Анча йилдан буён туризм соҳасида хизмат кўрсатиб келамиз, — дейди Қарши шаҳридаги “Гранд стар травел” хусусий корхонаси бош мутахассиси Жамшид Маҳмудов. — Шуни тан олишимиз керакки, кейинги йилларда бу тизимга эътибор анча ортди. Биламики, туризм мамлакат иқтисодийётини кўтаришда энг яхши самара берувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Шу сабаб бизда ҳам Президентимизнинг ташаббуси билан бир қатор янгиликларга қўл урилмоқда. Тизимда фаолият олиб бораётган ишибилармон доира вакилларига имтиёзлар берилмоқда. Кунни кечя қабул қилинган Президентимизнинг қарори ҳам шулар жумласидан.

Корхонамиз турли ҳудудларда сайёҳлар учун хизмат кўрсатиб келади. Янги лойиҳавий режамизга кўра, тоғли ҳудуддан аукцион орқали ер олиб манийи шохобчалар куриш истагиди эдик. Аммо маблағ борасида бир оз муаммолар бўлипти турганди. Берилган имтиёзлар эса биз учун айни мўлдат бўлди.

Сирасини айтиганда, йўналишга киритилаётган ҳар бир имтиёз ва қулайликлар ишибилармон доира вакилларининг тизимдаги фаолиятини янада кенгайтиради. Туризм хизматлари сифати яхшиланади. Оқибатда сайёҳлар ташрифи тобора ортиб, уларнинг меҳмон бўлиши икки-уч кунга узаяди. Бу эса иқтисодий барқарорлик ошишига олиб келади. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Мутахассслар таъкидлашчи, воҳа драйверига айланаётган соҳа ривожланиши натижасида жорий йил хорижий туристларнинг вилоятга келиши аввалги йилнинг мос даврига қараганда анча ошган. Демак, сарфланаётган сармоя, қилинаётган меҳнат ва эътибор ўз самарасини бермоқда. Мақсад сари ташланаётган қадам манзил томон одимламоқда.

А.РАҲМОНОВ,  
журналист

## Таълимда ҳамкорлик

Ташриф дастурига мувофиқ, Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси вакиллари Сугинами туманидаги “Наританиши” боғчаси тажрибасини ўрганди.



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНДИ

Фарғона вилоятидаги мактабгача ва мактаб таълими тизимида фаолият юритаётган ходимлардан иборат делегация жорий йўлнинг 28 июнь — 5 июль кунлари Японияда бўлди.

Сафар давомида делегация аъзолари Токионинг Сугинами туманидаги “Ко-эндзи гакуэн” бошлангич ва ўрта таълим мактабларида уч кун малака оширди. Ўқувлар давомида аниқ ва табиий фанлар, математика, жисмоний тарбия, меҳнат ва санъат дарсларида бевосита иштирок этди. Шунингдек, япон педагоглари томонидан дарсларни ўтиш жараёни, болалар билан муносабатларини ўрганди.

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонасида Фарғона вилояти вакиллари учун қатор семинарлар ташкил қилинди. Хусусан, Токио ҳалқаро япон тили марказида фаолият юритувчи, Японияда узоқ йилдан бунён истиқомат қилаётган ватандошимиз, филология фанлари доктори Феруза Норматова ҳамда Токио префектураси таълим бошқармаси ходими, кўп йиллар япон мактабларида директор лавозимида ишлаган, педагогика фанлари доктори Хидео Иджима иштирокида “Япония таълим тизими” мавзусида семинар ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томони Хачинод шаҳрида жойлашган Сока университетиди бўлиб, 2004 йили университет ҳудудида ўрнатилган буюк

шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шундан сўнг университет президенти Масашин Сузуки билан алоҳида учрашув ташкил этилди. Унда Фарғона вилоятидаги япон тили ўқитувчиларига методик кўмак бериш ва тажрибасини ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олindi.

Ташриф дастурига мувофиқ, Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси вакиллари Сугинами туманидаги “Наританиши” боғчаси тажрибасини ўрганди.

2023 йилдан буён Фарғона вилоятидаги ҳар бир шаҳар ва тумандан танлаб олинган битта мактабда синов тарикасида Япония таълим тажрибаси амалиётта татбиқ этилмоқда. Ушбу дастурга икки нафар япон эксперти жалб қилинган.

Янги ўқув йилидан бошлаб вилоятнинг 19 ҳудудиди яна 3 тадан мактаб танлаб олинди, уларда япон таълим тизими жорий қилиниши режалаштирилмоқда.

“Дунё” АА  
Токио

ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ РОЛИ КУЧАЙМОҚДА

Сакина САИДҒОЗИЕВА,  
Жамоат хавфсизлиги  
университети мустақил  
изланувчиси

Бошланиши 1-бетда

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, **маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги** ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Ваколат ва масъулият оширилди

Агар аввал маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари миқдори 20 тага ҳам етмаган бўлса, ҳозирда улар қарийб олти баробарга ошиб, 120 дан ортганини кўришимиз мумкин.

Олдинлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет бўйича ваколатлари чекланган эди. Худудда орттирилган маблағнинг ўзи бўлмасди. Кейинги етти йил ичида ҳудудларнинг маҳаллий бюджетга оид ваколатлари тубдан оширилди. Белгиланган маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш суммаси маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган тартиб яратилди.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари маҳаллий бюджетлардан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ваколатларига эга бўлди.

Бундан етти йил олдин депутатлар фақат ҳокимнинггина йиллик ҳисоботини эшитган бўлса, ҳозир маҳаллий даражадаги 60 дан ортиқ органларнинг 120 га яқин масалалардаги ҳисобот ва ахборотлари депутатлар томонидан тингланмоқда.

Авваллари у ёки бу масала бўйича идораларнинг ҳисобот (ахборот)ларини фақат бир йилда бир эшитиш белгиланарди. Ҳозир эса ҳар ой, ҳар чорак, ҳар ярим йилда эшитиш каби даврий ҳисобот эшитишга оид ваколатлар кarrасига ошди.

2017 йилгача прокурор ёки ички ишлар органлари раҳбарларининг маҳаллий

масалан, узоқ Олот туманида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар бўлиmlарининг ҳисоботини ким эшитади?” деб алоҳида таъкидлаган эди.

Мазкур маърузадан келиб чиқиб, бугунги кунда ушбу раҳбарларнинг маҳаллий Кенгашга ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди. Ички ишлар тизимининг энг юқори мансабдор шахсидан тортиб, маҳалладаги инспекторгача халқ вакиллари олдида ҳисобдорлиги таъминланди.

Янгиланган Конституция қоидаларини тўлақонли рўёбга чиқариш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги мураккабликларни бартараф этиш, қонунчиликнинг тизимлилигини таъминлаш мақсадида 2024 йил 2 февралда Президентимизнинг “**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида 33 та функция ва ваколат маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Жумладан:

— таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари билан келишган ҳолда тегишли ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тутатиш;

— атмосфера ҳавосини ифлосланттирувчи манба ҳисобланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини сақлаш полигонларининг жойини давлат экологик экспертизасининг ижобий ҳулосаси мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилаш;

— шаҳар йўловчилар транспортда йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлашнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифларини белгилаш;

— ҳовли, уй атрофи ҳудудларини сақлаш ва турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳамда бошқа функция ва ваколатлар назарда тутилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларнинг давлат органлари ҳисобот (ахборот)ларини эшитишга доир айрим ваколат ва функциялари 10 тага бирлаштирилган ҳолда тизимлаштирилди. Шу сабабли, фармон билан Кенгашларнинг қатор ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, улар соҳалар бўйича тизимлаштирилди.

Янги таҳрирдаги Конституция талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юклатилиши, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмас-



Авваллари у ёки бу масала бўйича идораларнинг ҳисобот (ахборот)ларини фақат бир йилда бир эшитиш белгиланарди. Ҳозир эса ҳар ой, ҳар чорак, ҳар ярим йилда эшитиш каби даврий ҳисобот эшитишга оид ваколатлар кarrасига ошди.

Кенгашларга ҳисобот бериши тугул, ҳатто унинг мажлис ишида қатнашишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бу масала муҳимлигидан, давлатимиз раҳбари 2016 йил декабрда Президентлик лавозимига сайланган кунидан 2 кун ўтиб, ўз маърузаларида “*Ҳозирги кунда Олий Мажлисида Сенати томонидан ҳар йили Бош прокуратуранинг ҳисоботи эшитилади. Бу албатта муҳим, лекин жойлардаги,*

лиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган маҳаллий Кенгашларнинг қонунда белгиланган ваколатларига хос бўлмаган вазифалар ижроси бўйича маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти органлари масъул ҳисобланиши қатъий мустаҳкамланди.

Фармон билан шунингдек, **Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари**



фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгилаб қўйилди.

Аҳоли муаммолари ва маҳаллий Кенгашлар фаолияти

Маҳаллий Кенгашлар иши бир қарашда сезилмаётгандек туюлиши мумкин, лекин мамлакатимизнинг бирор-бир ҳудуди йўқки, у ҳатто чекка қишлоқлардаги аҳоли бўлсин, маҳаллий кенгаш таъсири бўлмаган бўлса.

Маҳаллий Кенгашлар бундан етти йил аввалгиларидан мутлақо фарқ қилади. Бугунги маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз округидаги муаммоларни аниқ билади ҳамда уни ҳал қилиш учун “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда зарур чораларни кўрмоқда.

Гап кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, турли ижтимоий дафтарларга кирган юрtdошларимиз ҳақида бормоқда. Адолат, очкилик, халқ иштирокини таъминлаш мақсадида ижтимоий рўйхатларга кирадиган ҳар бир оила, аёл, ёш бўладими, барча-барчаси ўша ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан очик ўрганилиб, Кенгашда муҳокама қилиниб, кимки ҳақиқатда муҳтож бўладиган бўлса, айнан шуларга ёрдам кўрсатиладиган тизим яратилди.

2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари кўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизм жорий этилди. Мамлакатимизда кенг оммалашиб бораётган мазкур “Очиқ бюджет” жараёниларини ҳам маҳаллий Кенгаш иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, айнан маҳаллий Кенгашлар туман ва шаҳар бюджетлари кўшимча маблағларининг камида 30 фоиз қисmini ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджет, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига шаклланган кўшимча маблағларнинг 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришга тасдиқлаб бермоқда.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат ноотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия таркиби тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилмоқда.

“Маҳалла еттилиги” ва Кенгаш ҳамкорлиги

Бугунги кунга келиб, замон талаби ўзгарди, эскича ишлашни ҳозирги ҳаётнинг ўзи қабул қилмаяпти. Одамлар орасига, маҳаллага кириб бормаган идора, масъул ҳаётдан ажралиб қоляпти, десак муболага бўлмайди.

Шу маънода, “маҳалла еттилиги”га кўмаклашиш, маҳалаларда қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаққонийлиги ва асослилигини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида жорий йилнинг 4 апрель куни Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан маҳалалардаги муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва “Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги йўналишлари тасдиқланди.

Бу ҳамкорлиқни бир сўз билан тушунтирганда, маъноси шундаки, аҳоли муаммоларини ҳал қилишнинг “**маҳалла — туман маҳаллий кенгаши — вилоят маҳаллий кенгаши — Сенат**” узлуksиз тизими яратилди.

Маҳаллий ижро ҳокимиятининг халқ вакилларига бoғлиқлиги кучайди. Бундан етти йил аввал маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳудудда бирор ижтимоий-иқтисодий тадбирни ўтказмоқчи бўлса, бундан ҳар доим ҳам маҳаллий Кенгаш хабардор бўлмаган. Бугунги кунда маҳаллий ижроия органларининг иши халқ вакилларисиз битмайди. Бу адолатли ҳақиқат бўлиб, бирор-бир йирик тадбир ўтказилмоқчи бўлса, халқ вакиллари уни молиялаштириш манбалари бўйича ўз қарорларини қабул қилиши лoзим бўлади.

Сессиялар тиғизлиги

2017 йилгача маҳаллий Кенгаш сессияси бир йилда 4 мартагина ўтказилган. Ҳозирги кунга келиб, халқ вакиллари иштирокисиз ҳудудда бирор-бир муҳим қарор қабул қилинмайди. Бунинг исботини биз маҳаллий Кенгашларнинг мажлислари аввалгидек бир йилда 4 марта эмас, балки

ҳар ойда 1-2 мартадан ўтказилишидан яққол билиб олишимиз мумкин. Ҳар ойда бўладиган сессия кун тартибида камида ўнга масала бўлиши фикримизнинг яққол исботидир.

Қарорларнинг очкилиги: авваллари маҳаллий Кенгашнинг қарорини ҳеч қаерда кўрмас эдик. 2021 йил 1 июлдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини қабул қилиш (чиқариш)га кетадиган ортикча муддатларни қисқартириш, уларни ишлаб чиқишда инсон омили ва аралашувини камайтириш, шунингдек, қарорлар билан аҳолини доимий равишда



таништириб бориш мақсадида Кенгаш қарорлари “Е-қарoг” электрон тизими орқали амалга ошириладиган бўлди.

“Е-қарoг” электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли қарорларини қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмаслиги, бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмаслиги ҳамда у қабул қилинган пайдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармаслиги белгилаб қўйилди. Бу том маънода, инқилобий, тарихий қарор бўлди. Очкилик, ошкора-лик, шаффофлик, аҳоли учун қулайлик таъминлаш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан фуқаролар ўртасида электрон мулоқот майдонини яратиш мақсадида

2022 йил 20 сентябрда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига “**Рақамли халқ депутатлари Кенгаши**” комплекс ахборот тизимини татбиқ этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда “**kengash.gov.uz**” платформаси ишлаб чиқилиб, барча маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига жорий этилди. Бугунги кунда маҳаллий Кенгашларга оид барча ахборотни ушбу платформадан олиш имконияти яратилган.

Кенгашлардаги шарт-шароит

2020 йилгача маҳаллий Кенгашларнинг на бир хонаси, на бирор-бир доимий ишлайдиган кадр бўлмаган. Жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти ташкилий-кадрлар бўлимининг битта мутахассиси сессия бўлаётган вақтларда кўмаклашиб турган холос. 2020 йил 14 сентябрда қабул қилинган қонун билан маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар ташкил этилди. Ҳозирга келиб республикамиздаги 221 та маҳаллий Кенгашда 700 га яқин ходим фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан маҳаллий Кенгашлар биноларига ва уларни моддий-техник жиҳатдан жиҳозлашга доир минимал талабларни ишлаб чиқиш, 2024 йил 1 октябрга қадар халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, 2025 йил 1 декабрга қадар халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари учун белгиланган минимал талабларни инобатга олган ҳолда бино (ишчи хоналар) билан таъминлаш ва жиҳозлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига кириштиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий Кенгашларга кўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис Сенати девонида **Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази** ташкил этилди.

Ушбу марказнинг вазифақ қилинишида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини замонавий талабларга мувофиқ ташкил этишга ҳуқуқий, услубий ёрдам бериш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги муаммоларни аниқ билади ҳамда уни ҳал қилиш учун “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда зарур чораларни кўрмоқда.

Албатта, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқни рози қилиш, оғирини енгли қилишда маҳаллий Кенгаш депутатлари олдида улкан вазифалар, ўз ечимини кутиб турган масалалар турибди. Бунинг учун шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда кузатувчи эмас, балки фидойи, ватанпарвар, билимли, масъулиятли халқ вакиллари сафи янада кенгайиши талаб этилади, агар ҳар бир депутат ўз ҳудуддаги камида битта муаммони ҳал қилса, мамлакат бўйлаб камида олти мингга яқин муаммо ҳал бўлади.

Бугуннинг гапи

“Ижтимоий норма” ижтимоий адолатни таъминлайдими?

200 КИЛОВАТТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ



Ирода ТОШМАТОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

“Бир хонадонда уч оила яшаймиз, демак, оиллик лимит ҳам ҳар бир оилага 200 киловаттдан — жами 600 киловатт бўлиши керак”, дейди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири. Бошқа биров эса “Нарх туширилмаса ҳам, ҳеч бўлмаса, белгиланган лимитни 400-500 киловаттга ошириш керак. Ахир одамларнинг электр энергиясига эҳтиёжи ошиб бораётти”, деб изоҳ қолдирган.

Жорий йил 1 майдан бошлаб электр ва газ учун тарифлар оширилиши ҳамда бунда ижтимоий норма белгиланиши эълон қилингандаёқ одамлар орасида тушунмовчиликлар юзгага кела бошлади. Тарифлар нархнинг лимитларга ажратилган ҳолда ошиб бориши табақалаштиришнинг бир кўриниши, деган эътирозлар пайдо бўлди. Моҳиятан эса электр энергияси учун аввалгидек барча истеъмолчи бир хил тарифда эмас, балки ҳар ким фойдаланганига яраша тўлайдиган бўлди. Қатор давлатларда шундай нормага амал қилинишини кўпчилик яхши билади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳам ушбу тартиб йўлга қўйилиб, Вази́рлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан электр энергияси ва табиий газ бир оиллик истеъмолининг базавий меъёrlари тасдиқланди. Май ойидан тўлов миқдори оширилиб, ижтимоий норма жорий этилди. Унга кўра, электр энергиясига — оийга 200 киловатт, газ 100 куб, иситиш мавсумида — 500 куб метргача миқдор белгиланди. Нархлар ҳам шунга яраша: бир ойда 200 киловаттгача — 450 сўм, 1000 киловаттгача — 900 сўмни ташкил этади. Ушбу меъёр орттиши билан нарх ҳам ошиб боради. Қисқаси, ҳар ким фойдаланганига яраша тўлайди.

Мутахасссларнинг тушуниришича, энергия истеъмолининг ижтимоий нормаси, деганда аҳоли томонидан сотиб олишда имтиёзли тариф қўлланадиган энергия ҳажми тушунилади. Энергия муайян меъёргача нисбатан паст (имтиёзли) нархда сотилади. Ундан юқори ҳажмда истеъмол қилинганда эса бозор нархида пул тўланади. Аини пайтда белгиланган 200 киловаттлик норма ва унга қўйилган 450 сўм давлат субсидиялайдиган имтиёзли нарх.


Ионнинг ўрталаридан аҳоли орасида ижтимоий норма ва белгиланган 200 киловаттлик лимитга эътирозлар кўпайди. Бу ҳолат ҳаво ҳарорати ошиши сабабли хонадонларда совитиш мосламаларидан фойдаланишга эҳтиёж ортиши билан ҳам боғлиқ. Натияжада 200 киловаттлик лимит озлик қила бошлади. Фойдаланиш ҳажми орттиши ҳисобига 200 киловатт бирдан ишлатилиб, абонентлар кейинги ҳисоб-китобда икки баробар юқори қўйматда пул тўлашга мажбур бўлмоқда. Айрим фойдаланувчилар бу лимит нафақат эҳтиёж ортган вақтларда, балки одатий кунларда ҳам етмаслигини таъкидлаётти.

Олий Мажлис Қонunchилик палатаси Спикери ўринбосари, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров шахсий блогида 200 киловаттлик лимит аҳолига қўмак эканини айтиб, аслида, 1 киловатт электр энергияси 990 сўм бўлиши кераклигига ишора қилди. “Энергетика бозор муносабатига ўтса, иқтисодиёт ўсади, иш ўрни кўпаяди, аҳоли даромади ошади ва таъминот сифати ўзгаради. 1 киловатт электр нархи 990 сўм, ишлаб чиқарувчи даромад олса, 1100 сўм бўлади, тахминан. Даромад юқори бўлса, таъминотда сифат яхши бўлади. 450 сўмлик 200 киловатт — аҳолига қўмак”, дея фикр қолдирган саҳифачи.

Мутасаддилар ижтимоий норма ривожланётган давлатлар учун зарурат эканини таъкидлаётти. Энергетика вазирлигининг молиявий иқтисодий таҳлил ва нарх сиёсати бўлими бошлиғи Орузгул Равшанова билан суҳбатда ижтимоий норма ва лимитни белгилашдаги меzonлар, умумий таҳлиллар ҳақида сўрадик.

— Мазкур норма ва лимит биргина ташкилотнинг қарори эмас, балки бир нечта мутасадди орган, халқаро молия институтлари маслаҳатчилари, халқаро экспертлар тақлифлари, ўрганиш ва хулосалари асосида белгиланган, — дейди Орузгул Равшанова. — Базавий меъёр бир неча ойлар давомида АСКУЭ тизимидан олинган маълумотлар ва бошқа таҳлилларга кўра ҳисобланган. Хусусан, жорий йилда юртимизда 7,6 миллион истеъмолчи рўйхатдан ўтган бўлса, прогноза кўра, 2024 йилда улар 21,2 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлатади. 200 киловатт-соатгача электр истеъмол қилувчилар қиш мавсумида 48 фoиз, йилнинг бошқа даврида 66 фoиз бўлиши тахмин қилинган. Йил давомидаги умумий таҳлилларда эса 200 киловаттгача истеъмол қилувчилар 60 фoизни ташкил этган. Ёз ойларида аномал иссиқ ёки қишда аномал совуқ кузатиладиган маълумотни олиш қийин эмас, телефонимизга тайёр СМС келади.

Қолаверса, жорий йил июнидан истеъмолчиларга фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ бўйича оиллик маълумот “базавий меъёр” ва ундан ортқ ҳажмлар ҳисобида юборилмоқда. Хуллас, кўпчиликнинг электр



бўлса, муайян даврда истеъмол кўпайиши мумкин. Аммо бу йил давомида кузатилмаслиги ва ўртача 200 киловатт-соат электр аҳолининг 60 фoизи ҳиссасига тўғри келганини инобатга олиб, шундай меъёр ўрнатилди. Эътирозларга келсак, ҳар бир хонадон фойдаланган ортқича электр энергияси учун кўпроқ тўлаши жаҳон амалиётида мавжуд. Бу истеъмолчилар ўртасида адолатни таъминлайди. Шу билан бирга, аҳолининг тежамкорлигини оширади. Таҳлилларга кўра, шу йил июнда юртимиздаги 71 фoиз абонент 200 киловатт-соатгача электр энергияси ишлатган. Бу дегани оширилган, субсидияланмайдиган нарх аҳолининг асосий қисмига таъсир қилмаган.

Истеъмолга яраша тўлов

Бир ҳамкасбимнинг айтишича, хонадондаги оиллик электр истеъмоли одатда 100 киловаттдан ошмайди. Уйда таъмирлаш ишлари қилингани ҳисобига июнь ойида истеъмол ҳамки шу чегарадан юқориқалган. Улар кўп квартиралар уйларида истиқомат қилади ва кондиционердан фойдаланмас экан.

Мақоладан ёзиш асосида яна бир нечта танишимнинг охири ойларидаги электр энергияси сарфига қизиқдим. Ҳозир бундай

бўлди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уни бесамар, исроф билан ишлатиш тўғри эмас. Шу боис, давлатлар ушбу ресурсларнинг муқobil манбаларини топиш ва жорий этиш баробарида, тежамкорликка катта эътибор қаратяпти.

Ижтимоий норма мисолида айтсак, бир ойда 1000 киловатт электр сарфлайдиган хонадон 200 киловаттгача ток ишлатадиган 5 та оила истеъмолига тенг энергиядан фойдаланади. Шундай паллада табиий ресурсни бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлатаётган оила пулни ҳам шунга яраша тўлаши адолатлидек кўринади.

Энергетика соҳаси бўйича халқаро эксперт Равшан Хўжанов интернет нашрларидан бирига берган интервьюсида бундай деган: “Германияда бир муддат яшаганман. У ерда аҳоли жон бошига энергия истеъмоли ва тўлови Ўзбекистондагига қараганда сезиларли даражада юқори. Масалан, ўтган йили Германияда маиший истеъмолчилар учун электр энергиясининг ўртача нархи 1 киловатт-соат учун ўртача 0,35 евро, Ўзбекистонда эса 0,035 евро, ташкил қилган. Бунинг бир қанча омиллари мавжуд, албатта. Аввало, икки давлатнинг иқтисодий ривожланиши, технологик даражаси ва инфра-тузилмасидаги фарқлар билан боғлиқ.

Германияда ўртача иш ҳақи Ўзбекистондагидан анча юқори. Бу эса қўшимча электр харажатини қоплаши мумкин. Аммо икки давлатдаги иқтисодий вазиятни тўлиқ тақдослаш учун ишсизлик, инфляция, ижтимоий нафақа каби омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Умуман, кўпгина Европа давлатларида энергия нархи кейинги йилларда сезиларли ошди. Уларда коммунал тўловлар кўпичина харажатларнинг каттагина қисмини ташкил этади”.

Ортимизда электр энергияси нархи 2019 йилдан шу йилнинг 1 майига қадар оширилмаган. Мутахасссларнинг айтишича, Ўзбекистон электр энергияси нархи арзонлиги бўйича жаҳонда 7-ўринда туради. Шу вақтгача ишлаб чиқариш харажатининг асосий қисми давлат субсидияси асосида қопланган. Бу эса давлат бюджетига зарар етказиш билан бирга соҳа ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келган.

— Ҳозир 1 киловатт электр энергиясининг таннари, яъни ишлаб чиқариш харажати қўшилган қиймат солиғи билан 1,002 сўмни ташкил қилади, — дейди Орузгул Равшанова. — Ўрнатилган меъёр бўйича тўлов нархи эса 201 дан 1000 киловатт-соатгача 900 сўм. Ҳатто ушбу қиймат ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш учун қилинадиган харажатни тўлиқ қопламайди. Шунга қарамай, аҳолининг бирламчи эҳтиёжи ва зарур миқдорни инобатга олган ҳолда 200 киловаттгача электр энергияси учун имтиёзли, субсидияланган қиймат тақдим этилди. Нархлар иложи борица бозор

тамоийллари асосида шакллантирилган. Бу ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва етказиб бериш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Келиб тушаётган мурожатлар ўрганилпти, аммо ҳозир 200 киловатт лимитни қайта кўриб чиқиш бўйича алоҳида режамиз йўқ.

Мутасаддилар тўлов имкониятига эга бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами учун бу борада алоҳида дастурлар борлигини эслатиб ўтди. Кўёш панеллари ўрнатиб, текин электр энергияси олиш, ҳатто истеъмолдан орттанини давлатга сотиш каби қулайликлар шулар жумласидан. Бу борада аҳоли учун қатор имтиёзлар мавжуд.

Энергетика вазирлиги Жаҳон банки билан биргаликда иссиқхона газини камайтириш бўйича янги лойиҳа амалга ошираётгани ҳақида маълумот берилди. Лойиҳа доирасида 5 миллион доллар грант маблағи ажратилиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига бепул кўёш панеллари ўрнатиб бериш кўзда тутилган. Бу сазй-харакатлар оширилган тарифларни маълум маънода юмшатиш борабарида, тежамкорлик, энергетика ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов тарифлар оширилганидан сўнг май ойида Ўзбекистонда 2023 йилнинг шу даврига нисбатан электр истеъмоли 324 миллион киловатт-соатга, газ истеъмоли эса 125 миллион куб метрга камайганини айтганди. Вазирнинг таъкидлашича, абонентлар ва корхоналар сони кўпайишига қарамай, истеъмолнинг камайиши энергия тежамкорлигидан далолат беради.

Икки карралик тариф

Лимитлардаги оширилган тарифлар тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахслар учун ҳам белгиланиши кўзда тутилган. Бу ҳақда шу йил 30 майда Президентимиз билан учрашувдан сўнг энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов маълум қилган. Унга кўра, юридик шахсларга лимитнинг 10 фoизидан ортини миқдорига газ ёки электр энергияси истеъмоли учун оширувчи коэффициентлар қўлаш режалаштириляпти. Яъни истеъмол лимитнинг 10 фoиздан кўп ошса, бизнес газ ва электр учун 2 карралик тарифда ҳақ тўлайди. Бу ишлаб чиқаришга халал бермай, истеъмолни самарали ташкил этиш орқали ресурсларнинг муайян қисмини тежашни таъминлаши билан изоҳланмоқда.


Иқтисодчи Бехўд Хoшимов мазкур режа хусусида ижтимоий тармоқлардаги схафасида фикр ёзиб қолдирди. Ёш иқтисодчи таҳлилларини бундай баён этади: “Энергетика вазирлиги белгилamoқчи бўлаётган талаб қимматга тўшадиган хато бўлиши мумкин. Унинг айтишича, агар юридик шахслар лимитдан кўпроқ энергия сарф қилса, ортқича ишлатилган энергия учун икки баробар жарима тўлар экан.

Ҳўш, бу жисмоний шахсларга қўлланаётган лимит билан қандай тафовутга эга? Ҳаммаси жуда оддий: жисмоний шахсларга етказиб берилаётган энергия жуда катта миқдорда субсидияланган ҳамда ишлаб чиқариш харажатидан бир неча баробар арзон нархда берилади. Бундан ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, умуман аҳолига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсад қилинган. Ана шу ижтимоий меъёрни юридик шахсларга ҳам қўллаш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки биринчидан, шундоқ ҳам юридик шахслар тўлайдиган нарх харажатдан юқори. Яъни мантқиян олиб қаралса, юридик шахслар ишлатадиган ҳар бир киловатт энергиядан энергетика компаниялари фойда олади. Аммо масаланинг бошқа иқтисодий жиҳати ҳам бор. Бу икки баробар ошадиган лимит кичик фирмаларга катта иқтисодий зарар етказиши билан боғлиқ. Кичикроқ ёки янги очилган корхоналар кенгайиши жуда қийин ва қиммат жараёнга айланиб қoлиши мумкин”.

Ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган мазкур сазй-харажатларга одамлар бефарқ эмаслиги, муносабат ва эътирозларини билдираётгани яхши, албатта. Чунки жараёнинг бевосита иштирокиси сифатида ҳар ким фикр билдирди, тақлифларини илгари суришга ҳақли.

Президент ташрифидан сўнг

Эсингизда бўлса, ўтган йил баҳорда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарёга ташрифи чоғида аҳолининг Бойсун — Денов йўналишидаги йўллар сифати бўйича эътирозларини инобатга олиб, ўзи машина ҳайдаганда. Шундан сўнг мутасаддиларга бу йўлда кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб бориш бўйича кўрсатма берганди. Шу тариқа воҳода раvon йўл лойиҳасига старт берилганди. Хусусан, кўп ўтмай мазкур 111 километрга чўзилган йўлни реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилганди. Аини пайтда бу ерда ишлар қизгин давом эттирилмоқда.



ЙЎЛ РАВОН БЎЛСА, ОЛИС МАНЗИЛ ҲАМ ЯҚИНЛАШАДИ

Таъкидлаш керакки, ҳудуд инфратузилмасини яхшилашда йўлларнинг раvon бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда юртимизда, хусусан, шимол ва жанубни боғловчи ҳудудда joyлашган Сурхондарё вилоятида ҳам салмоқли ишлар бажарилляпти.

Аини пайтда вилоятда 16 минг 170 километр автомобиль йўли мавжуд. Шунинг 2843 километри, яъни 18 фoиз қисми умумий фойдаланувдаги автомобиль йўли бўлиб, Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфида. Қолган 13 минг 327 километр ёки 82 фoиз қисми эса маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида бўлиб, қишлоқ, шаҳар ҳамда аҳоли пунктларидаги кўчалардир.

Тогли Бойсундаги олис ва чекка ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда инфра-тузилма билан боғлиқ энг муҳим вазифаларни тизимли ҳал қилиш, барча аҳамиятдаги йўллар ҳолатини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишда тезкор ва самарали чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, ҳудудда бир оз мураккабликка эга йўллар масаласига алоҳида эътибор қаратилётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги қарорига асосан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ҳар икки йилда бир маротаба “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини ўтказиш белгиланган. Жорий йил 1-7 май кунлари туманининг Бибиширин маҳалласида joyлашган, янгидан ташкил этилган туризм масканида ўтказилган тадбирлар арафасида йўл инфратузилмаси янада яхшиланди. Ҳудуддаги умумий фойдаланувдаги ҳамда барча ички ҳўжалик йўллари таъмири учун 6 миллиард сўм маблағ ажратилди, кенг қўламли ишлар бажарилди.

— Бу жараёнда Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси ҳамда таркибидagi корхоналар ишчи-ходимлари фаоллик кўрсатди. Туманининг ички йўлларида ҳам кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди Бойсун тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси бош муҳандиси Фаррух Равшанов. — Биргина Шўроёй маҳалласидаги 3962 метр узунликдаги тош ва шағал кўчага тўлиқ асфальт-бетон қопламаси ётқизилди.

Бойсун тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси томонидан 4Р 105 “Дарбанд қ. — Бойсун ш. — Элбёк қ.” автомобиль йўлида узунлиги 800 метр, эни 8 метр бўлган асфальт қопланди. Йўлсозларнинг туну кун қилаётган таъмирлаш ишлари натижасида туманининг йўл инфратузилмаси тубдан яхшиланляпти. Бу эса, албатта, нафақат маҳаллий аҳоли, балки ушбу йўлларда ҳаракатланувчи барча ҳайдовчиларнинг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.



— Бойсун нафақат тарихи, табияти, анъаналари, балки одамлари билан ҳам маълум ва машҳур. Ана шу донги кетган жойни келиб қўришга иштиёқмандлар кўп. Яқин йилларгача бу ерга сайёҳлар қадами камдан-кам етарди.

ҳўжатларига асосан, ушбу объектнинг қиймати 94,2 миллиард сўмга баҳоланган.

— Мазкур объектда таъмирлаш ишларини бажариш учун Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги йўл корхоналари ҳамда ёрдамчи пудратчи

корхоналарнинг 26 та юк ташиш, 9 та сув сепиш, 11 та зичлаш машинаси ва 8 та автогрейдер, 2 та асфальт ётқизгич машинаси ҳамда бошқа йўл қурилиш техникалари жалб қилинди, — дейди Қизирқ тумани йўллардан фойдаланиш корхонаси давлат муассасаси раҳбари Сайфиддин Қобилов. — Умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятига молик 4Р 100 автомобиль йўлининг тубдан таъмирланётгани нафақат маҳаллий аҳоли, балки ҳайдовчиларни ҳам мамун этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг топширини асосида яна бир лойиҳа амалга оширилмоқда. Музработ туманидан кесиб ўтувчи, давлат аҳамиятидаги 4Р 110 “Шеробод ш. — Пошхурт қ. — Оқтош қ. — Музработ ш.” автомобиль йўлида кенг қўламли таъмирлаш ишлари бажарилляпти.

Музработ туманининг Сополтитепа, Халқ йўли, Меҳригёҳ ҳамда Тонг ўлуғини маҳаллаларидан кесиб ўтувчи ва ҳудудни Шеробод тумани билан боғловчи ушбу йўлнинг 10 километр қисмини таъмирлаш лойиҳаси 9 миллиард 914 миллион сўмга баҳоланган.

Йил бошидан бутунга қадар мазкур йўлнинг 65-68 километри оралиғидagi 3 километр ва 70-72 километри оралиғидagi 1,8 километр қисмидаги хизмат муддатини ўтаб бўлган эски қоплама махсус техникалар ёрдамида қўпорилиб, ўрни қум-шағал аралашмаси билан тўлдирилди. Зичланиб, йўлнинг асос қисми тайёрланди.

Ҳозирга қадар жорий таъмирлаш ишларининг якуний босқичида ушбу йўлнинг 65-66 километри оралиғидagi 0,75 километр ҳамда 70-72 километр оралиғидagi 1,75 километр масофага иссиқ асфальт қопламаси ётқизилди.

Йўлсозлик — шарафли, шу билан бирга, машаққатли касб. Чунки кичик бир йўл ёки кўп-кўп бунёд этилиши туфайли қанчадан-қанча одамнинг мушқули осон бўлиб, манзили яқинлашади.

Сарвар ТўРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Долзарб мавзу

ИШОНЧ ИНҚИРОЗИ

ёхуд ажралишлар нега кўпаймоқда?

**Бошланиши 1-бетда**

Очиги, бу туйғу асрлар мобайнида ҳаёти-мининг ажралмас қисмига айланиб кетгани учунми, бир томондан қийматсиз кўринган, лекин бебаҳо экани эътироф этилган. Бугун-га келиб бу эътироф асл қиёфаси — бебаҳо бойлик сифатида қучироқ намоён бўлмоқда. Ҳозир фикр юритмоқчи бўлган мавзунимиз ишончининг ҳаётимизга бевосита таъсири — оилаларимиз, янаям аниқроғи, оилавий ажримлар ҳақида.

Оилалар тинчлиги нафақат умримиз мазмуни ва ҳаётимиз ҳаловати, балки юртимиз тараққиёти ҳамда жамиятимиз раванглиги таъминлайди. Оилани асраш миллатни, унинг жамики маърифий қирралари ва мезонларини асраш демасдиқ.

**Рақамлар мулоҳазага чорлайди**

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда 48 минг 733 та, 2023 йилда 49 минг 198 та оила ажрашган. Жорий йилнинг январидан март ойигача бўлган давр орасида эса 11 минг 481 та никоҳ бекор қилинган.



**“Бу масалада юмшоқроқ бўлинглар”**

Фарида АБДУРАҲИМОВА, Дин ишлари бўйича қўмитанинг хотин-қизлар билан ишлаш ва тарғибот гуруҳларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи:

— Шарқда “Оила — табиатнинг шох асари” дейилади. Унинг мустаҳкам-лиги жамиятнинг асосий пойдевори. Охириги олти-етти йилда бу борада кўплаб ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, қонуналар, фармон ва қарорлар, “йўл харита”лари қабул қилинди. Энг муҳими, уларнинг ижроси бўйича катта маблаг ҳам ажратилмоқда. Ижрочилари, муддатлари ҳам аниқ-тиниқ белгиланган.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудда ота-оналарнинг вазибалари, оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити, соғлом турмуш тарзини таъминлаш мезонлари асосида тарғибот-ташвиқот, тушуни-тириш ишлари олиб бориляпти. Эр-хотин муносабатидagi дарзларни бутлаш, қайноналик мақоми, бандлик масалаларини ичига олган дастурлар доирасида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Давлатимиз раҳбари ҳам учрашувларда қайнона ва келин муносабатларига алоҳида урғу бериб, “бу масалада юмшоқроқ бўлинглар, келинни ҳам ўз қизингиздек кўришни ўрганинглар”, деб таъкидлади. Кўпни кўрган ёши улуг она-хонлар билан учрашиб, оилалар бузилиши бизнинг миллатимиз учун азал-азалдан уят саналгани, оилаларни мустаҳкамлашга асосан, қайноналар масъуллиги ҳақида алоҳида уқтирдим.

Курьони Каримнинг Нисо сурасида ҳам аёлни, онани, қиз фарзандларни ҳамиша эъзозлаш, ардоқлаш таъкидланган. Ота-онаси бағрида вояга етган қизларни турмушга бериш қадриятларимизнинг энг гўзали саналди. Шунинг учун ҳам қиз узатаётганлар тўйдан сўнг қўлларини дуога очиб, “Борган жойингда тошдай қот, болам”, дея тилак билдиради. Аммо улар айтганичалик тош бўлиш осон иш эмас ҳозирги даврда.

Бу рақамлар ҳар қандай кишини ўйга солади. Демак, бир йилда қарийб 50 мингга яқин оила ажрашаётган бўлса, қанча ўғил-қиз отасиз ёки онасиз ўлайишига маҳкум бўлаётган экан? Ажралишлар бонс, нафақат оилалар тақдир зарбасига дуч келаётир, айни пайтда

**Бош қонунимизнинг алоҳида боби оилага бағишланган**

**Озода ПАРИПБОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Мамлакатимизда оила ва никоҳга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган. Бош қонунимизнинг алоҳида боби оилага бағишлангани, Оила кодекси қабул қилинган, қатор қонун ва қонунони ҳужжатларининг ҳаётга таътиқ этилаётгани юртимизда оила ва оилавий қадриятларнинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлиги ифодасидир.

Оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 сентябрдаги қарори билан “Ибратли оила” кўрак нишони таъсис этилган. Жорий йилда юртимизда илк мартаба 208 та оила ушбу кўрак нишонига муносиб деб топилди.

Қўмитамиз томонидан ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар муҳитини мўътадиллаштириш, ажралишлардан жабр чекиб суд залларида отаси ёки онасини танлай олмай биз катталарнинг ишларига ҳайрон бўлиб турган фарзандларимиз тақдирига тамга босмасликка ҳаракат қилинган. Бу борада қатор янгича ёндашувларни қараб олган дастур ва лойиҳалар яратилди. Бир қатор вазирликлар, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти билан бир-галикда масъулияти ота-оналик мезонларини ичига олган 10 та индикатор, “Фаровон оила — келажак пойдевори” мавзусида таътиқ этилиши зарур бўлган 10 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Оилавий ажралиш, оталикни белгилаш, ёлғиз оналик ва эрта никоҳ кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш бўйича тавсияларимизни Оила ва гендер илмий-тадқиқот институтига тақдим этдик.

Албатта, оилалар билан ишлаш тизимини чуқур ислоҳ қилиш, ёшларни оилага тайёрлаш, қадриятимизнинг миллий ва диний мезонлар

давлат, жамият ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрипти.

Ҳўш, ажралишларнинг олдини олиш, оилани мустаҳкамлаш, фарзандларимиз етим бўлиб қолмаслиги учун нима қилишимиз керак? Юртимизда бу борада қандай ишлар бажариляпти? Ушбу саволлар билан соҳа масъулларига мурожаат қилдик.

**Гулнора ПАРПИЕВА, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича Судлов хайъати раиси ўринбосари:**

— Агар факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2023 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан никоҳдан ажратиш билан боғлиқ 63 минг 625 та иш кўриб чиқилган ва 34 минг 635 та никоҳ бекор қилинган. 20 минг 972 тасининг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган. 5434 таси кўрмасдан қолдирилган, 2584 та даъво бўйича ишни юритиш тугатилган.

Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида эса фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 15 минг 585 та никоҳдан ажратиш билан боғлиқ иш кўриб чиқилди ва 8239 та никоҳ бекор қилинди.

Афсуски, ажралишлар сони йил сайин камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ачинарлиси, оилаларнинг барбод бўлиши оқибатида мурғак болалар жабр кўрипти.

Амалийётда баъзи ажралиш билан боғлиқ ишларни кўриб, дилимиз хуфтон бўлади. Қошқийди, оилани бузиб, гуддек болаларни кўчада сарсон-саргардон қолдиришга арзийдиган жиддий сабаблар бўлса. “Характеримиз тўғри келмади”, деган шаблон баҳонада туриб олганлар, турмуш ўртоғи четга ишга кетгач, қайнонанинг назорати ёқмаётган ўзбошимча келинлар, баъзида эса келиннинг зугум қилаётган қайноналар туфайли нечанча оилалар барбод бўляпти. Буларнинг ичиди хийнат сабаб пароканда бўлаётган оилалар ҳам бор.

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, жорий йил 1 февралдан мавжуд штат бирликлари доирасида тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларининг икки нафардан судьясини оилавий низолаҳарни кўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда ушбу судларда “Оила судьялари” ташкил этилди.

2025 йилга қадар юртимизнинг барча ҳудудларида шундай судьялар фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилиши белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ва унда белгиланган берилган вазифалар оилалар мустаҳкамлиги ва ажралишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишига ишончимиз комил.

Аслида, қарс икки қўлдан чиқади. Бу борада нафақат қайнона, келин-куёв, шу билан бирга, ён-атрофдагилар — маҳалла, қўни-қўшнида ҳам гап кўп. Агар оиланинг барча аъзолари аҳил бўлса, бир-бирини тушуниб яшаса ажралиш остонага яқин ҳам келолмайди.

Таъкидлаш жоизки, хийнат, учинчи шахснинг аралашуви, рақш, моддий муаммолар, зарарли одатлар, ёшларнинг оилага тайёр эмаслиги, оилавий қадриятларнинг тўғри шаклланимагани, ижтимоий тармоқлардан нотўғри фойдаланиш, турли ёт гўяларга берилиш, Ўзбекистон кишини маданиятига риоя этмаслик каби салбий ҳолатлар бугун кўплаб ёш оилаларни боши берк қўчаларга бошляпти.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича индвидуал ишлаш дастури доирасида иш олиб боряпмиз. Натияжада жар ёқасига келиб қолган қанчадан-қанча оилаларни яраштиришга эришиб, ажралишларнинг олди олинаётир. Энг муҳими, ҳали вояга етмаган юзлаб, минглаб болалар ота-онаси бағрига қайтапти. Аммо ҳали қилинадиган ишларимиз кўп.

Бугун аҳоли ўртасида эрта никоҳ, эрта туғуруқ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар натижасида ногирон болалар туғилиш кўрсаткичларининг ошиб бориши ҳар биримизни огоҳликка, ҳамкорликка чорлаш лозим. Бўлажак келин-куёвларнинг тиббий кўриги масаласини қайта кўриб чиқиш, кенг жамоатчилик, оилалар билан ишлашни маҳаллабай, оилабай ташкил этиш билангина бу борада амалий натижаларга эришимиз мумкин.



айтганда, “дока рўмолнинг қуриши...” даражасида енгилроқ хал бўларди.

Аммо бутун қанча-қанча “дока рўмоллар қуриб кетса” ҳам эр-хотин ва қайнона ўртасидаги жанжалларнинг нисҳоясига етиш, уларни яраштириш жараёнлари оғир кечмоқда. Авваллари оилада ўзаро низо юзатган келса, уришган эр-хотин ёки қайнона-келин, иккита қайнона ва маҳалла кексаларининг насҳати, маслаҳати билан ярашиб кетиши мумкин эди. Эр-хотин ажралишига нафақат икки ёшнинг ўзаро жанжаллари, балки ўзини рўзгорининг маликиси деб билган баъзи бир қайноналар ҳам сабабчи бўлмоқда. Бундай иллатларнинг олдини аввалроқ олишимиз керак. “Сен менга гапирма, сен билан ишим йўқ”, қабилида лоқайдлик эса худбинликдир. Айтмоқчиманки, оилани асраш бугунги кунда ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчига айланиши лозим, шунда амалий натижаларга эриша оламиз.

**Бағрикенг ва кечиримли бўлайлик**

**Абира ХУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор:**

— Мен бутун Сенат аъзоси ёки профессор сифатида эмас, балки она, буви ва қайнона сифатида келинларга, қайноналарга, умуман фарзандларимизга насихат ва маслаҳат бермоқчиман. Барчамиз бу омонат дунёда ганимат эканлигимизни биламиз, умримиз ўткинчилигини ҳам. Лекин шунинг билан бирга, эр-хотин ажралишларига, келажак авлод тарбиясига бефарқ қараймиз назаримизда. Оилавий ажралишлар кўпайиб борапти. Оиланинг суянчи саналган оталар, фаршталли она-хонлар, эр йигитлар негадир бепарво. Қайнона ва келин эса мурося қила олмаяпти. Ўртада болалар сарсон.

Демак, ҳам оилада, ҳам тарбиямизда оқсоқлик бор. Йўқса ажралишларга жамғина қараб турмасдик? Ёшларни-ку майли, ёш деймиз, бирок кўпни кўрган, ҳаётнинг зарбаларида пишган айрим қайноналарнинг молпараст ёки пулпарастлиги оқибатида рўзгорга зарар етмоқда. Аслида, оилани асраб қолиш кўп жиҳатдан айнан қайноналарга боғлиқ. Азиз қайноналар, келин, бағримизни сал кенгроқ қилайлик, сиз ёмон дея қўришни хоҳламаётган келинлар ширингина неварангизнинг онаси, ахир? Майли, хато, камчилиқ улардан ўтандир, ёшлик қилгандир, сизлар кечиримли бўлинглар. “Қайнонам, бизни тинч яшашга қўймайми”, деган

**Шайтонни энг хурсанд қиладиган иш — оила бузилиши**

**Зулайхо СОАТОВА, Тошкент шаҳри бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси:**

— Бир оила бузилиши сабабли кўплаб оилалар ўртасида душманчилик пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам шайтонни энг хурсанд қиладиган иш — оила бузилиши. Бу ҳақда ҳадиҳида шундай дейилади: Жобир розияллоху анхўдан ривоят қилнади: “Набий саллаллоху алайҳи васаллам: “Йилис ўз тахтини сув устига қуради ва ўз лашкаридан гуруҳларни юборади. Уларнинг энг кўп фитначиси, унга энг яқиндир. Бириси келиб “ундоқ қилдим, бундоқ қилдим” дейди. У бўлса “ҳеч нарса қилмасан!” дейди. Кейин бошқа бири келиб “уни қўярда қўймай хотини билан орасини буздим” дейди. У эса ўшани ўзига яқинлаштириб “Ҳа! Балли! Қандай ҳам яхшимсан!” дейди”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Ҳозир айрим қизларимиз қайнота ва қайнонага хизмат қилиш динимизда йўқ, демоқда. Аммо Фотима розияллоху анҳо ҳам қайноналар Фотима бинти Асъдага хизмат қилганлари, уларнинг розилиги ва дуосини олганларини билмайдилар. Оила остонасига

**Оилага эътибор ўзлигимизга эътибордир**

Болалигимизда “ажралиш”, деган сўзнинг маъносини тушуниш тугул унинг нима эканини ҳам англаб етмасдик. Чунки ажралишлар йўқ ҳисоби эди. Энди-чи, ҳали мактабга чиқмаган болакайлар ҳам бу сўзнинг залварли юкидан азият чекаяпти. Бир вақтлар уруш даврининг ҳақатчиликларида ўзбек оилалари тўкин яшашга шароити бўлма-са-да, нафақат ўзининг, балки ўзга миллат фарзандларини ҳам бағрига олиб, ўз боласидай вояга етказган. Бугун-чи, юртимиз тинч, дастуруронимиз тўкин, уйимиз, машинамиз бор, кийимларимиз пўрим-у, аммо негадир кўнглимиз тор. Баъзиларимиз сал ношўқр, сиркамиз сув кўтармайдиган даражада худбин бўлиб бораётгандаймиз. Ўзимизни, тинчимизни, ҳаловатимизни ўйлайдиган бўлиб қолгандаймиз.

Бугун замон ўзгарди, дейсизми? Тўғри, замон ўзгарди, замон билан бирга ўзимиз ҳам. Лекин имонимиз, виждонимиз ўзимизда-ку? Нега етти маҳаллага эшиттириб қарнай-сурнай навалари остида остонаси тиллодан уй сенки дея, келин туширган қайноналар икки, уч йилга бормай келини ва невараларини уйдан ҳайдаяпти. Ўзини, онасининг сўзини икки қилмайдигандай кўрсатаётган йигитларнинг кўпчилиги аслида, онасининг “Бошқатдан ёшгинасига уйлантираман” деган гапи ҳумориди юрибди. “Сизсиз яшай олмаймиз” дея турмушга чиққан баъзи келинчақлар ва қайнона, на эр хўрматини жойига қўймайпти.

Келинг, шу ўринда тафаккуримизни теранроқ қилиб фикр юрттайлик-чи, қаралишларни кўпайтириб, болаларни етим қилиб қаерга қараб кетаяпти? Қийналганда суянадиган, йиқилганда тиргак бўладиган, шодлигимизга ошно, ғамимизга шерик бўлган оиламиз борлигига шўқр этайлик ва кўз қорачигидек асрашга ҳаракат қилайлик.

Хулосани Президентимизнинг “Оилага эътибор ўзлигимизга эътибордир. Оилани сақлаб қолмасак, биз ўзлигимизни йўқотамиз”, деган сўзлари билан аяқулашни ихтиёр этдик. Зеро, оила жон озуғимиз ва жон томиримиздир!

**Гулицехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**

Ички туризм

Бир борганда

УЧ МАНФААТ КЎЗЛАНДИГАН МАСКАН

Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган Шохимардон қишлоғи ўзига хос оҳанрабо, таровати билан ажралиб туради. Сўлим табиатли, зилол сувли, мусаффо ҳаволи, тўрт тарафи тоғлардан иборат, мафтункор бу қишлоқнинг Оксув ва Қўсув сойлари, арчазорлари дилингизга ҳузур бағишлайди. Танингиз роҳатланади, руҳингиз енгил тортади, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Шу боис, кўҳна қишлоқ асрлар давомида сайёҳлик маскани сифатида одамларни ўзига қорлаб келади.

Фаргона туманидаги “Шохимардон”, “Ёрдон” маҳалла фуқаролар йиғинларида сайёҳлик имкониятини ошириш, янги туризм йўналишлари очиб, сайёҳ ва зиёратчилар учун қулай инфратузилма тармоқлари қуриш бора-сида тизимли ишлар бажарилмоқда. Фаргона шаҳридан 60 километр жанубда — Олой тоғ тизмаларига туташган бу масканда 11 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади.

Бу ерда кўплаб зиёратхона бор. Уларнинг энг машҳури — Чакитомар бўғи. Тоғ бағридан томиб турган сувни ичган инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний енгиллик сезади. Қон томирларига дармон ингандай бўлади. Булоқ ёнига яхши ниятли кишилар келиб, шифобахш сувдан баҳраманд бўлишни одат қилган.

Кўли Қуббон ёки Қўққўл — Шохимардоннинг шарқий тарафиди, қишлоқ марказидан 5 чакирим узоқликда, қўшни Қирғизистон ҳудудида жойлашган. 3000 метр баландликдаги табиат мўъжизаси сайёҳатчи

ва зиёратчиларни ўзига мафтун этиб келади. Бу ерда осма дор йўли ишга туширилди. Сайёҳлар бу йўл орқали юқорига кўтарилиб, Кўли Қуббон соҳилида чўмилиши, моторли қайиқларда сайр қилиши мумкин.

— Халқларимиз орсуси ушалди. Икки мамлакат раҳбарларининг амалий сайёҳаракати билан ўзбек ва қирғиз халқлари Шохимардонга, Қадамжой, Ёрдон, Кўли Қуббонга келиб дам олиши, зиёрат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратилди. Чегарадан ИД-карта орқали ўтиш тартиби амалиётга киритилган, фуқаролар эмин-эркин сайёҳатга бориб келмоқда. Бу ортиқча тирбандлик ва оворагарчиликларнинг олдини олмақда, — дейди “Шохимардон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухалиқов. — Маҳалламизда 60 дан ортиқ меҳмон уйи ва 30 дан ортиқ дала ҳовлида сайёҳлар учун муносиб шарт-шароит яратилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги мемориал музейда таъмирлаш ишлари

бажарилмоқда. Бу ерда кўҳна қишлоқнинг ўзига хослиги ҳамда тарихини акс эттирувчи концепция ишлаб чиқилди. “Ҳазрати Али” зиёратгоҳи ҳамда унга туташ ҳудуд ободонлаштириляпти. Шунингдек, кўчаларни кенгайтириш, ёриткичлар ўрнатиш, сайёҳлар ва зиёратчилар учун зарурий инфратузилмани таъминлаштириш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда. Қишлоқ марказидаги истироҳат боғи-ни замонавий сайёҳлик масканига айлантириш, боғ ҳудудида амфитеатр қуриш бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Франциянинг “Montagne et Neige Développement” (MND) компанияси Шохимардонга келувчи сайёҳлар учун қулай шарт-шароит яратишни кўзда тутувчи, арқон йўли ва осма кўприклари ўз ичига олган оммавий туризм маскани барпо этиш лойиҳасини тақдим қилмоқда. Компания ҳудудий директори Орхан Ширин ҳамда маҳаллий ҳамкорлари бу ердаги ўрганишлар натижасида ишлаб чиқилган истиқболли концепциясини тақдим этди. Лойиҳа 10 тадан кабинага эга иккита арқон йўли, 1 та қия кўтаргич, 1 та осмакўприк, аттракционлар ва бошқа кўплаб қўшимча

сайёҳлик инфратузилма объектларини ўз ичига олади. Табиат билан уйғунлик бош ғоя бўлган лойиҳада оилавий туризм имкониятларини тақдим этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Кўҳна қишлоқдаги қутлуг қадамжолар, сўлим табиати ҳақида жуда кўп эшитган бўлсам-да, имкон топиб келолмаганим, — дейди тошкентлик Шокиржон Тошқулов. — Чегарадан ўтиш тизими соддалаштирилибди. Шахсий машинамизда эмин-эркин ҳаракатланиб юрибмиз. Икки кундан буён

китоблар, газета ва журналларда ўқиган, дўстларимдан эшитган қутлуг қадамжоларда бўлдик, ажиб табиат қўйнида марокки ҳордик чиқардик. Ҳаммаси гўзал, бетакрор. Бу юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, ҳамжихатлик самараси.

Нафас йўли ва аллергия касалликларини даволашга ихтисослашган 130 ўринли вилот пульмонология шифохонаси ҳам айнан шу қишлоқда жойлашган.

— Бир йилда 4000 га яқин бемор даволаниб кетмоқда, — дейди бош шифокор Рустамжон Каримов. — Энди нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни мамлакатлардан келиб даволаниш истагидоғилар сафи кенгайиб бормоқда. Нафас йўли ва аллергия касалликлар тиббиётининг замонавий усуллари билан бирга, табиий йўл ва физиотерапия ёрдамида даволанади. Сурункали аллергия хасталиги билан оғриган беморлар бу ерда даволаниб кетганидан сўнг бир йил касаллик қайталанмайд.

Шифокорлар беморларга муолажа олиш билан бирга сахарда Ёрдон қишлоғидagi арчазорларга бориб, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишни тавсия қилади.

Чунки арча баргларида инсон саломатлигига ижобий таъсир қилувчи ва иммунитетни оширувчи эфир мойи ҳамда шифобахш моддалар таралиб туради.

— Шохимардон денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган, — дейди Фаргона вилоти ҳокимлиги ҳузурдаги “Шохимардон” туризмин ривожлантириш дирекцияси мутахассиси Манзураҳон Мўминова. — Помир-Олой тоғ тизмалари бағрида жойлашган бу гўшада, асосан, зиёрат ва сайёҳат туризми жадал ривожланмоқда. Сайёҳларни бу ерга олиб келганимизда биринчи мартаба келганлар “Наҳотки, шундай мафтункор ва мўъжизакор жойлар бўлса”, деди ҳайратини яширолмай. Чиндан ҳам Шохимардон ва Ёрдон мўъжизанинг ўзгинаси. Тоғ тизмаларидан озиқланидиган эчкининг сути ва қатниги, тоғ асали, шифобахш мева ҳамда резаворлардан табиб қўрсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз. Зилол сув таркибиде ҳам инсон саломатлиги учун фойдали макро ва микро элементлар бор.

Халқимизда “Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал”, деган ибора бор. Шохимардон тароватини кўрмоқчи бўлсангиз, яхши-си, фурсат топиб, сайёҳатга бориб келинг.

Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ибрат

Олисга кўчиб кетган қариндошларини йўқлаш учун келган меҳмон бу кеча тунаб қоладиган бўлди. Гурунғ авж олди. Эски хотиралар жонланди. Даврадагиларнинг аксарияти деҳқон бўлгани боис, суҳбат ҳам, асосан, шу ҳусусида бўлди. Ким нима эканлигини, қандай ҳосил олиш, қандай ишлов бериш... Бу сўзлар меҳмонга маъқул бўлмасда, де, ноилоҳ эшитиб турди. Аммо кўнглида “ҳаммаёқ тақир чўл бўлса, бу ернинг нимасидан ҳосил олиш мумкин, қуруқ гап билан ўзларини овутиш экан-да”, деб кўйди. Ҳамма тарқалган, ўзи учун ажратилган сўридаги жойга ётган меҳмон уйкуга кетди. Бир маҳал сал наридан гул-гул этиб, ерга урилаётган кескани овози эшитилди. Сетмон йўгонган меҳмон секин қулоқ солиб, ўрнидан турганча овоз келаётган томон юрди.

Тун ярмидан оғиб, соат миллари тўртга яқинлашмоқда. Ҳамал кирганига кўп бўлгани йўқ. Далада юрган киши эгнига тўн ёнимаса, совуқ қотиши аник. Майин эсаётган шабада кишига енгиллик бахш этади. Деҳқоннинг кўлидаги каттагина кетмон ҳар кўтарилганда ой нурида ялтираб, кўзни қамаштирилади. Яқинроқ бориб қарамаса, завқ билан ишлаётган одамнинг кимлигини таниш мушкул. Эгниде олача тўн, бошида дўппи. Пешонасини рўмолча билан тангиб олган.

Деҳқоннинг тонгданоқ меҳр билан ишлашини бир оз кузатиб турган меҳмоннинг бари-бир бу кенгликларда бирор ниҳол униб чиқишига кўзи етмади. Аслида, бу ҳудудга одамлар кўчиб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қамаш туманига қарашли олдинги Азлартепа қишлоғи ҳудуди бўлган бу жой тепаликлардан иборат, яқин атрофда фақат хўжалик ҳисобидеги пахта майдони бор эди. Бу атрофда сув чиқариш у пайтлар анча мушкул бўлган.

АЗЛАРТЕПА

қандай қилиб Ўзумзор бўлган эди?

Ваҳоланки, далага яқин жойда — 12 метр пастликда канал оқарди.

Манзилгоҳи яқинида каттагина сув омбори бунёд этилгани туфайли бу жойларга қўчирилган аҳолининг асосий қисми боғбонлар сулоласидан эди. Қайда бўлса қўлида кетмон, боғ яратишни қўйиллатадиган одамлар бу ерга кўчиб келган йилнинг охириларига бориб, мамлакат мустақилиги эълон қилинди. Қаровсиз, фақат тепаликлардан иборат жойга келиб қолганидан кайфияти тушган одамлар истиқлол шамолидан куч олиб, ишга киришди. Янги ерлар ўзлаштиришди. Ажабланишарли, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган лойиҳа асосида шу ерда тоқ кўчати экиб, боғ яратишга бел боғлашди. Меҳнатқаш одамлар бор кучини далага сарфлайди. Улар қатарда Кўчқор Қўчимов ҳам бор эди.



самарасини кўрган деҳқоннинг ҳам дили яйради. Илк бора ҳосилга кирган узумдан тоғиб қўриб, барча чарчоғи шу онда унутилди. Бундан янада фахрланиб, кўпроқ меҳнат қилишга киришди. Фарзандларини еғига олиб, боғни кенгайтиришда давом этди.

Беш-олти йил ўтди, бу ҳудудда етилган узумнинг донги ён-атрофга тарқалди. Хари-дорлар ўзи излаб келадиган бўлди. Айнисқа, Оқрабонтнинг ҳусайни узуми бозорбоплиги боис, деҳқонлар ишининг янада боракали бўлишига хизмат қила бошлади. Энди қишлоқнинг олдинги Азлартепа номи ҳам ўзгаририлиб, “Ўзумзор, деб аталадиган бўлди.

Ўн фарзандни бировдан кам қилмай, ҳалол меҳнат билан вояга етказишга интилган адабиёт муаллимининг ўқитувчилик билан чекланиб қолмай, боғ барпо этгани мушкуллини осон қилди. Ўғзор ташвишларини еғиб ўтишга куч берди. Бундан ташқари, муаллим ўз тажрибасига таяниб, узумнинг янги навини яратди. Икки турдаги узумни бир-бирига қанглатиб, синов тарихида янги нав устида изланиш олиб борди. Натижада бошқаларидан фарқли,

пўсти бир оз қалин, совуққа чидамли, таъми яйради. Илк бора ҳосилга кирган узумдан тоғиб қўриб, барча чарчоғи шу онда унутилди. Янгилик боғбонлар орасида тез тарқалди.

Айни пайтда Кўчқор отанинг ёши саксонга яқинлашмоқда. Шундай бўлса-да, ҳамон боғидан чиқмайди. Қўлида қайчи, тоқ оралаб ишлов беришдан тўхтагани йўқ. Бир гектардан ортиқ ерга ўз қўли билан қўқлатган бир ярим минг тулға яқин “Ҳусайни”, “Чиллаки”, “Оломон тўйди”, “Қора гўзал”, “Оқрабонт гўзали” ва бошқа навли узум кўчати экилган боғдан озиқлашини хоҳламайди. Гўё узумзор билан дардлашиб, ўзига куч олади.

— Меҳнатидан қочмасангиз, тоқ ҳам ҳазина, — дейди Кўчқор ота Қўчимов. — Фақат ўзига хос меҳнати бор. Доим бир киши эгатадан чиқмай, ишлов бериб юриши керак. Эрта баҳордан кеч кузга қадар назоратсиз қолдириб бўлмайди. Ўз муддатига агротехник ишлов бериш, вақтида кесиб, чопиқ қилиш, бундан ташқари, доим хомтоқ қилиб бориш зарур. Ҳовлингизда йигирма тул тоқ бўлса, қанча барака бўлади. Кўп бўлса, янаям яхши.

Лекин ҳаммада ҳам имконият йўқ. Гоҳида ёш оилаларнинг ҳовлисини кўздан кечириб, ачина кетаман. Каттагина томорқаси бўш ётади. Эр-хотин эса етишмовчилик ҳақида тортишишдан нарига ўтмайди. Аслида, қуруқ гап билан камчиликини бут қилиб бўлармиди? Охири ҳеч бўлавермагач, оила бошлиғи чет элга ишга жўнашга шайланган. Ундан кўра, ақлни ишла-тиб, олдиндаги имкониятдан фойдаланиш ҳаёлига ҳам келмайди. Айрим пайтлар маҳалла фаоллари баъзи келишмовчилик пайдо бўлган ёш оилаларга маслаҳат бериш учун қақчириб қолади. Шундай пайтда, аввало, оиланинг ҳовлисини кўздан кечириш. Бирорта ниҳолга кўзим тушмаса, ёшларни тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қиламан. Ўзим бош бўлиб боғдорчиликни ўргатаман. Меҳнат қилса, эртага турмуши фаровон бўлишни тушунтираман. Маслаҳатимга қулоқ тутганлар келиб, раҳмат айтиб кетган.

Айтишларича, Азлартепа қишлоғи номи-нинг “Ўзумзорга ўзгаришига айнан шу ердаги кекса деҳқонлар сабабчи бўлган. Жўмадан, Кўчқор ота билан елкама-елка меҳнат қилган Номоз, Қурбонмурод, Эсонмурод, Ёлмурод бо-боларининг астойдил хизмати туфайли қишлоқ деярли узумзорга айланган.

— Токзордан нафақат узум олиш, балки яна уч-тўрт хил экин экиб, фойда қўриш мумкин. Мисол учун, тоқ оралиғига тарвуз ёки қовун, арпа ёки бугдой экса бўлади. Бундан ташқари, хомтоқ қилганда барглари доим олиб ташланади. Уни ҳам беҳуда ташламай, чорвани боқибда ишлатса бўлади, — дейди тажрибали боғбон Ёлмурод Ўжаев. — Ҳозир қишлоғимизда тоқ экилган бирор ҳузудон йўқ. Қайси ҳовлига кирманг, ҳар бирда узум етиштирилади. Мавсум бошланган пайти келсангиз, узум бозори аини авжига чиққанига гувоҳ бўласиз. Қарши шаҳри ва атрофдаги айрим туманлар бозорини узум билан таъминлашда қишлоғимиз етакчи. Бир пайтлар шу ерлар тоқзор бўлади, дея ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Инсон қўлигул, деб бежиз айтишмаган. Янги кўчиб келган пайтларимизда оддий қуруқ ер эди. Албатта, шу

ҳолатга келтиришнинг ўзи бўлмади. Кеча-қун-дўз тиним билмади. Қўчқор Қўчимовга ўхшаган тажрибали деҳқонлар билан маслақдош бўлиб, шу натижага эришдик. Бугун роҳатини кўрямиз.

Ҳар мавсумда камида беш юз миллион сўмдан ортиқ даромад кўраётган Кўчқор ота узумзор ортидан ўн фарзандини ўқитди, уйли-жойли қилди. Шу билан бирга, ўн беш нафар хотин-қизининг доимий бандлигини таъминлаб, маош бериб келмоқда. Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак беришда фаол.

Кўчқор ота ҳар тонг тоқзор оралашни яхши кўради. Шу пайтда унинг бир қўлида қоғоз-қалам, иккинчисиде тоққайчи бўлади. Энди шира қираётган, офтоб нурида кўзни қамаштирадиган узумларга қараб илҳом олади-да, шу жойининг ўзиде шеър ёзишни бошлаб қолади. Кейин қораламаларини оққа кўчириб, китоб ҳолига келтиришни ҳам унутмайди. Ахир боғ ичиде ёзилган шеърни китобго муҳрламоса бўлмайди-да. Ҳозир нашрдан чиққан китоблари сони анчага бориб қолди.

— Ўзим она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлганим боис, шеърингга қизикман, — дейди Кўчқор ота Қўчимов. — Шоир Абдулла Орипов ижодида меҳрим бошқача. Ўзим ҳам ёзганларимни тўплаб бораман. Китоб ўқини ёқтираман. Гоҳида боғ орасида ўтириб олиб, мутулаа қилишнинг завқи бўлакча. Набира-ларимга ҳам доим кўчиб ўқиб кераклигини тарғиб қиламан. Ўқини рағбатлантириб бора-ман, албатта. Ижод маҳсулини ҳисобга олиниб, яқинда Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Бу менга янада куч бағишлайди. Айни пайтда ёш боғбонлар учун услубий қўлланма тайёрладим. У ҳам тез орада ўқувчилар қўлига етиб боради.

Кўчқор Қўчимовнинг умр дафтарига назар ташлар эканмиз, ўзига хос узумчилар мактабини яратганига, ҳалол меҳнат ортидан ўн фарзандни вояга етказиб, намунали оила бошлиғи сифатида турмуш кечириб келётганига гувоҳ бўламиз. Ибратли инсонлар ортидан эргашган Ўзумзор қишлоғи аҳолиси ҳам кам бўлаётгани йўқ. Боғдорчилик билан шуғулланиб, ўзини ўзи банд этган фуқаролар яхшигина даромад топишмоқда. Ёнг муҳими, ҳалол меҳнат ортидан оилалар янада фаровонлашмоқда. Айтганча, бир пайтлар бирор ниҳол уннишга шубҳа қилганлар бугун оғзидан бол тоғиб, бу ернинг узумини мактамоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.